

БАДИЙ МАТН БОҒЛОВЧИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ПОЭТИК ИМКОНИАТЛАРИНИ ЎРГАНИШДА КОГНИТИВ ТАҲЛИЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Мусо Тожибоев

ЎзДЖТУ профессори, филология фанлари доктори.

musajants@gmail.com

Ботирбоев Фаррух Пайзивай ўғли

ЎзДЖТУ тадқиқотчиси

farrux_botirboyev@gmail.com

Мақолада бадий асар матни таҳлили жараёнида инглиз ва ўзбек тили мисолида боғловчи феълларнинг қиёси поэтик грамматик – семантик имкониятлари когнитив таҳлилдан ўтказилган.

Калит сўзлар: аллофон, боғловчи феъллар, дискурс, ички структура, лингвистик прагматика, когнитив грамматика, методология, мустақил феъллар, фонема.

В статье в ходе анализа текста художественного произведения когнитивно проанализированы сопоставительные поэтические грамматико-семантические возможности связи глаголов на примере английского и узбекского языков.

Ключевые слова: аллофон, связные глаголы, дискурс, внутренняя структура, лингвистик прагматика, когнитив грамматика, методология, самостоятельные глаголы, фонема.

In the article in the course of the analysis of the text of the artistic work, the comparative poetic grammatical-semantic possibilities of linking verbs in the example of English and Uzbek languages were analyzed cognitively.

Keywords: allophone, connecting verbs, discourse, internal structure, linguistic pragmatics, cognitive grammar, methodology, independent verbs, phoneme.

Когнитив тилшунослик ҳозирги пайтда маълум бир миллий тилнинг нафақат лексик-семантик, балки ижтимоий-иқтисодий имкониятларини лингвомаданият нуқтаи назаридан ўрганиш учун ҳам шароит яратди. Ўтган асрларда асос солинган лингвистик тадқиқот йўналишларидан бири сифатида, у 1970 - йилларнинг иккинчи ярмида "Когнитив грамматика" номи остида АҚШда пайдо бўлди ҳамда илмий истилоҳга киритилди. Ваҳоланки, бу йўналиш Англия тилшунослигида анъанавий "Грамматика" терминининг кенг маънода қўлланиши билан изоҳланади, холос. Россияда бу йўналиш кўп ўринларда "Когнитив семантика" деб аталган ва бу номда қатор оригинал тадқиқотлар йўналишининг келиб чиқишига ишора бор.

Когнитив тилшуносликнинг ҳозирги кундаги ҳолатига баҳо берсак, унинг асосий фарқловчи белгиси фақатгина тилшунослик фани доирасида янги тадқиқот объектини олиб кириш ёки бўлмаса, янги йўналиш қуроли ёки тамойилларини

яратиш билан белгиланмайди. Ҳамма гап ўрганиш мақсад ва вазифалари методологиясини (эврикатикасини) шакллантиришдан иборатдир.

Когнитив тилшуносликнинг келиб чиқиши тилшуносликда 1950 йил охирида содир бўлган умумий методологик тараққиётнинг бир кўриниши холос. Бундай тараққиётнинг моҳияти шундан иборат эди-ки, ўшанда "юзага чиқмаган" назарий (намунавий) қурилмаларни ўрганишга, тилшуносликда таҳлил этишга, уринишга бўлган таъқиқ олиб ташланган эди. Бу аҳамиятга молик тараққиётнинг муҳим таркибий қисмларидан бири Н. Хомскийнинг генератив грамматикаси ва ундаги "ички структуралар" (глубинная структура--deep structure) ҳақидаги тушунчаларидир. Когнитив тилшуносликнинг пайдо бўлишига туртки бўлган яна бир йўналиш - лингвистик семантиканинг гуркираб ривожланиши бўлди. Фаннинг шаклланишига лингвистик прагматика, матн назарияси ҳамда грамматикализация назарияси ва тил элементларининг функционал қўлланишини ўрганишга қаратилган дискурс таҳлили ҳам хизмат қилди. Бу вазифанинг диққат марказида тил фактларини изоҳлаш ғояси ётади. Агар генератив тилшуносликда изоҳлаш учун объект сифатида инсон қобилятининг яширин (ички имкониятлари) қонуниятлари олинса, бошқа йўналишларда асос бўлиб хизмат қиладиган нуқтаи назарга кўра тил фактлари қисман бўлса-да нолисоний борлиқ, бевосита кузатилиши шарт бўлмаган борлиқ томонидан изоҳланиши мумкин. Агар лисоний прагматика (лингвопрагматика) учун бу каби нолисоний фактлар сифатида контекстда инсон фаолияти тамойиллари (яъни инсон мақсади, нияти, фаолият шартлари ва шу кабилар) хизмат қилса, когнитив тилшуносликда намунавий қурилма (модельный конструкт) сифатида инсон физиологиясидаги когнитив структура ва жараёнлар хизмат қилади. Буларга Фрейн назарияси (М.Минский У.Филмор), идеаллаштирилган когнитив модель (Дж.Лаков), ментал фазо (Ж. Фоконье), 2s ўлчовли дунё (Р.Жакенаров), конфигурацион структурасимон семантик-грамматик суперкатегориялар, кучларининг ўсиши, диққатининг тақсимоли ва бошқалар (Л. Тапми); мураккаб кўп аспектли тил қурилмалари аниқроғи, У. Фильмор ва П. Кейпиш струкциявий грамматикаси, Р. Шенк ва У. Ригернинг "Концептуал хулосаси қоидалари" типдаги когнитив операциялар ва А. Нюлленнинг билим босқичлари (даражалари) кабилар ҳам киради.

Хозирги пайтда когнитив тилшуносликнинг қуйидаги асосий йўналишлари мавжуд.

1. Табиий инсоний тилни яратилиши ва тушуниш жараёнларини тадқиқ қилиш йўналиши. Тарихан олиб қаралганда, бу энг аввал яралган бўлим бўлиб, у асосан матнларни яратиш ва тушунишнинг компьютер моделларини ишлаб чиқувчи мутахассислар иштирокида пайдо бўлган. Когнитив тилшуносликнинг бу соҳасида тан олинган етук мутахассиси сифатида У.Чейфни айтиш мумкин, у онг оқими ва активатция категориялари ва уларнинг ҳосилалари бўлмиш қатор тушунчаларни тилшуносликка олиб кирди.

2. Лисоний категоризациялаш тамойилларини таҳлил қилиш.

Бу йўналишда Элеанора Ромкиш ғояларини ривожлантирган Дж. Лакофф бирмунча иш олиб борди. Э. Рошан анъавий бўлган ҳамда ибтидоси Аристотелга бориб тақаладиган "Категориялар – бу аниқ чегарага эга бўлган тўпламлар бўлиб, унинг барча аъзолари бир хил статусга эгадир"- деган қарашларнинг тўғри эканлигини кўрсатиб берди. Кейинги йилларда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳақиқатдан ҳам категорияларнинг чегаралари аниқ, равшан эмас ва категорияларнинг ўзлари ҳам ички тузилишга эга бўлиб, уларнинг айрим унсурлари бошқаларга қараганда категориал белгиларни ўзида кўпроқ сингдиргандир. Улар категориянинг прототиплик (яъни бирламчи намунавий) аъзолари ҳисобланади. Масалан, прототиплик қуш бўлиб инглизларга малиновка қуши хизмат қилса, рус тилида сўзлашувчи дунё учун эса чумчук хизмат қилади, пингвин ёки туяқуш эса категориянинг перифериясида (чеккасида) туради.

Прототип тушунчаси жуда кенг қўлланишга эга: у фонема ва аллофонларнинг муносабатини таҳлил қилишга ҳам; морфологик ва синтактик жараёнларни тасвирлаш учун ҳам қўлланиб, ҳатто шу тушунчаларга таянган ҳолда тил ва шевани фарқлашга ёрдам берадиган интуитив тизимни яратиш мумкин. Борлиқдан коррелянтлар топиш ва уларни бошқа бир концептуал соҳада ташкил қилиш жуда маҳсулдор, айрим ўринларда эса жуда қизиқарли йўналиш. Энг муҳими когнитив тилшуносликнинг оригинал тадқиқот методи ҳисобланади.

Когнитив тилшунослик тараққиётига маълум даражада когнитив фан – психоллингвистика фани намояндалари Э. Рош, Д. Словин, С. Пальмер, философлар М. Джонсон, Д. Денкет, Дж. Серль, П. Чергланд ва нейробиолог А. Дамасионинг ишлари таъсир кўрсатади. Россияда когнитив тилшунослик йўналишида А. Н. Баранов, А. Е., А. А. Кибрик, И. М. Кобазева, Е. С. Кубрякова, Е. В. Рахилина ва бошқалар тадқиқот олиб бормоқдалар.

Тил бирликлари эгалланаётган билимнинг лисоний воқеланишдаги иштироки ҳамда лисоний фаолиятнинг ахборотни шакллантириш ва «қайта ишлаш»даги ролини аниқлаш когнитив таҳлилнинг кўринишларидан биридир. Инсоннинг ҳар қандай ахборотни эгаллаши бевосита унинг хотирасида сақланаётган олдинги тажрибаси ва билими доираси миқёсида амалга ошади. Ҳар бир инсон хотирасида маълум миқдордаги билимлар структураси захираси сақланади ва айнан шу захира ахборотни қабул қилиб, идрок этиш воситаси ролини ўтайди.

Когнитив жараёнларни миллий маданият билан боғлайдиган асосий восита тилдир. Шу сабабли когнитив тилшунослик учун лисоний ва когнитив онг жараёнларини миллий маданиятда яратиладиган, ҳосил бўладиган фаолият, шарт-шароитлар билан боғлаб ўрганиш муҳимдир. Дарҳақиқат тил ва онг маданиятдан ҳоли ҳолда мавжуд бўлмайди, улар бизнинг ижтимоий тажрибамиз, аجدодлардан ўзлаштирган анъаналаримиз натижасидир. Агарда тил “фандай фикрлашимизни англатса, маданият эса, маълум жамоа нима қилаётганини ва нимани фикрлаётганлигини (ўйлаётганлигини) билдиради”. Юқорида ўртага ташланган

фикрлар таҳлили ва синтезини умумлаштириш мақсадида қуйидаги хулосаларни илова қиламиз.

Қариндош ва ноқариндош тилларнинг грамматик муқоясасини таъминлаш ҳамда уларнинг функционал қирралари орқали шаклланадиган семантик-стилистик хусусиятларини когнитив лингвистика, лингвомаданият ва лингвоконцептология билан боғлиқ ҳолда ўрганиш яна шунинг учун ҳам муҳимки, замонавий технологиялар тараққиёти автомат таржима, синхрон таржима усуллари тараққиётини таъминлаш заруратини қўймоқда. Бу борадаги лингвистик тадқиқотларнинг мазмуни когнитив тилшунослик билан мустаҳкам боғланган ҳолда тилнинг маъно ва мазмун қиррасини алоҳида диққат марказида тутишни талаб қилади.

Боғловчи феълларнинг семантик-стилистик қирралари кейинги йилларда лингвистик доираларда қатор мунозараларга сабаб бўлмоқда, шунингдек, бу борада янгича қарашлар шакллантирилишининг зарурати кун тартибидаги долзарб масала сифатида қайта-қайта ўртага ташланаётганлиги масала ечими аҳамиятининг хорижий тилларни ўрганишда, таржима муаммоларининг ҳал қилинишида нақадар долзарблигини кўрсатади. Шу вақтга қадар боғловчилар ва боғловчи феълларнинг семантик-стилистик қирралари анъанавий тилшунослик доирасида ўрганиб келинди, яъни унда асосан структур-семантик ва стилистик характеристика йўналиши устунлик қилди.

Когнитив тилшунослик доирасида лингвостилистик ҳодисаларнинг ўрганилиши ҳали ҳозир бирламчи босқични бошидан кечирмоқда. Умуман олганда когнитив стилистика, когнитив-стилистик таҳлил муаммолари ҳали етарли даражада ишланмаганлиги билан ажралиб туради. Тилшуносликнинг ифода воситалари бўлими сифатида олиб қаралган боғловчи феъллар стилистикаси когнитив лингвистика нуқтаи назаридан билиш, концептуализация, борлиқ ҳақидаги ахборотни тушуниб етиш борасида алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда боғловчилар ва боғловчи феълларнинг семантик-стилистик қўллаш функциялари таҳлили алоҳида аҳамиятга молик.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда инглиз ва ўзбек тилларидаги боғловчи ва боғловчи феълларнинг семантик-стилистик таснифи, уларнинг функционал, когнитив ва концептуал имкониятлари ҳамда уларнинг таржима жараёнида акс этиши, нутқ воситаларнинг самарадорлигини таъминлаш борасида қўлланиш имкониятлари таҳлили диссертация иши мавзуси долзарблигини алоҳида таъкидлайди.

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилига кириб келган адабиёт, фан ва техника соҳасининг турли жабҳаларига оид асарлар, хусусан инглиз адабиёти таржималари ҳам бизга маълум айрим лингвистик ва экстралингвистик сабабларга кўра бевосита асл нусханинг ўзидан эмас, балки воситачи - рус тили орқали амалга оширилган. Бу борада ўзбек тилининг лингвостилистик имкониятларига совуққонлик билан қараб келинган.

Инглиз тилида феълларни грамматик хусусиятларига кўра мустақил ва тобе муносабатларда куйидаги уч: 1) мустақил (Notional) феъллар, 2) тўлиқсиз (Seminotional) феъллар ва 3) кўмакчи феъллар (Auxiliary Verbs) гуруҳларга ажратиш мумкин.

Мустақил феъллар (Notional Verbs). Мустақил лексик маънога эга бўлиб, гапда содда кесим вазифасида келувчи феъллар *мустақил феъллар* дейилади.

Масалан: A film of pain passed over his eyes (*P. Abrahams*). She lowered her head till her chin rested on her chest (*Ibid*). She smiled. Some light reply was on the tip of her tongue, but she looked into his eyes and the reply came. (*Ibid*).

Тўлиқсиз феъллар (Seminotional Verbs). Тўлиқсиз феъллар гапда мустақил лексик маънога эга бўлмайдиган ҳамда ўз навбатида а) боғловчи (ёки боғлама) ва б) модал феълларга бўлинади.

Боғловчи феъллар (Link Verbs) ўзлари англатган маъноларига кўра борлиқнинг борлиги, мавжудликни билдирувчи феъллар (to be), сезишни билдирувчи феъллар (to feel), бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни билдирувчи феъллар (to become, to grow, to get, to turn) аввалги ҳолатда турганликни кўрсатувчи феъллар (to remain, to keep, to stay, to continue) ва бошқа феъл гуруҳларига бўлинади. Маълум дистрибуция ёрдамида боғловчи феъл вазифасини ўтаб келувчи to stand, to lie, to fall, to go, to draw каби феълларни ҳам шу гуруҳга киритиш мумкин.

Мустақил феъл лексик маъносини йўқотиб, боғловчи феъл вазифасида келади ҳамда бундай жараён грамматизация (грамматиклашув)ни ҳосил қилади. Боғловчи феъллар, асосан, кесимнинг турли грамматик маъноларини кўрсатиб келади, чунки кесим вазифасида келувчи сўзлар феъл категорияларига нисбатан ўзгармас шаклларда бўлади. Грамматикалашув туфайли боғловчи феълнинг маъноси умумлашиб, мавҳумлашиб қолади ва кесим вазифасида келган сўз кесимнинг асосий лексик маъносини англатади. Бу ҳолатни мисолларда кўриб ўтамиз:

To be феъли. а) to be феълининг тусланиши.

To be мустақил феъл бўлиб келганда *бўлмоқ, бор бўлмоқ, яшамоқ, ҳаёт кечирмоқ, турмоқ* каби маъноларни англатади. And then there was the new motor-car with the chauffeur (*A. Bennet*). It's too bad you couldn't have been there really (*W. I. Maugham*). Were you at the performance last evening? She asked of the Hurtwood's friends who greeted her, as she sat in her box there was a note in her voice which vibrated keenly (*Ibid*).

You weren't here «he said when I came back this morning and I thought you had done it (*Ibid*). Where is he? (*Ibid*).

Юқоридаги мисол учун олинган гапларда *to be* феъли мустақил маънода қўлланади ҳамда содда кесим вазифасида келади.

To be боғловчи феъл вазифасида. *To be* феъли боғловчи (боғлама) феъл вазифасида бўлганда, кесимни феълнинг турли грамматик категорияларига алоқадорлигини кўрсатиб келади, яъни замон, майл, шахс-сон кабилар фақат *to be*

ёрдамидагина берилиши мумкин. Бундай вазифада келганда, *to be* феъли куйидаги сўз туркумлари билан бирикиши мумкин:

1) *to be*+adjective:

However, the charge was unjust, monstrous and ridiculous (*A. Bennet*).
No, no Watson, I will not admit that it is possible (*Ibid*).

2) *to be* + noun:

Was not that person the actual criminal. (*Conan Doyle*). Then I'm a liar (*A. Bennet*).
Nothing could justify me in remaining where I was a cause of unhappiness (*Ibid*). I think she was a mad woman, subtly mad with the deep of deception which insane people may have (*Ibid*).

3) *to be* + pronoun:

«Who are they?» asked Hurstwood. (*Th. Dreiser*). But what was this? (*P. Abrahams*). «What is it mother?» he asked softly. (*Ibid*) But here everything was the same (*Ibid*)

4) *to be* + adverb:

It was long ago. (*P. Abrahams*). He is here (*Voynich*). It was far away now (*Ibid*)

5) *to be* + numeral:

She was eighteen years of age bright, timid and full of the illusions of ignorance and youth. (*Th. Dreiser*). He had left when he was fifteen. (*P. Abrahams*).
I

6) *to be* + participle:

Yes I was surprised to hear that she had it in her hand when she died (*Conan Doyle*).
For all he knew she might even be married. (*P. Abrahams*).

7) *to be* + prepositional phrase:

But it was hard to get hold of anything except his mother and she was out of setting (*P. Abrahams*). The Duke was in charge of the beer (*Ibid*).

8) *to be* + infinitive:

The best thing he could do was to get out of here (*P. Abrahams*). Lanny knew that all he had to do was to lower his eyes or look away — any gesture of defeat would have done—and the man would tell him go (*Ibid*). The best thing of course is to lie on the grass (*P. Abrahams*).

Юқоридаги таҳлил натижалари кўрсатиб турганидек, боғловчи феъллар инглиз тилида ўзларининг қатор грамматик-семантик ва стилистик парадигмалари билан ажралиб туради. Боғловчи феълларнинг айнан шу хусусиятлари таҳлилда когнитив тилшунослик имкониятларидан фойдаланиш лисоний тафаккур ва лисоний менталитетнинг айрим муаммоларини жонли нутқ намуналари мисолида ҳал қилишга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

3. Ўзбекистон Республикаси Миллий Энциклопедияси - Тошкент, 1997 й.

5. Аксененко И. Предлоги английского языка - М., 1956, 210 с.
6. Аполова М.А. Specific English - М., Меж.отн., 1977, 190 с.
7. Абдуазизов А.А. О составных частях когнитивной лингвистики// Хорижий филология. – Самарканд: СамГИИЯ, 2007. – №3(24). – С. 5-6.
8. Абдуразаков М. Очерки по сопоставительному изучению разносистемных языков. – Т., 1973. – 167 с.
9. Акбарова С.А. Лингвостилистические средства и когнитивно-прагматическая значимость художественного портрета: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Т., 2005. – 29 с.
10. Ашурова Д.У. Взаимодействие когнитивной лингвистики, стилистики и интерпретации текста // Филология масалалари. – Т.: УЗГУМЯ, 2003. – № 2. – С. 40.
11. Аксененко И. Предлоги английского языка - М., 1956, 210 с.
12. Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А. Язык и общества Т.,Фан.2002-460с.
13. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. (Син/гаксис) Тошкент. "Ўқитувчи" нашриёти», 1996.
14. Бўронов Ж., Хошимов Ў. Исматуллаев Х. Инглиз тили грамматикаси. –
15. Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1983. – 267 с.
16. Нурманов А. Махмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. - Т.: 1992.
17. Нурманов А. Тил ҳақида синтактик назариялар. –Т.: 1988.
18. Усмонов С. Умумий тилшунослик. -Т.: 1977.
19. Чейф У. Значение и структура языка. -М.: 1975.
20. Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М.: Искусство, 1976. – 614 с.
21. Разинкина Н.М. Развитие языка английской научной литературы: Лингвостилистическое исследование. – М.: Наука, 1978. – 210 с.
22. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Ж.: «Сангзор нашриёти», 2006. – 91 б.
23. Стернин И.А., Попова З.Д. Когнитивная лингвистика. – М.: «Восток-запад», 2007. – 314 с.
24. Curme J.O.A Grammar of the English Language. In three volumes. Vol. 11 Parts of speech and Accidence by J.O. Curme, Boston, p 30-57; 1760189.